

**ARTICLE INFO**Received: 14th December 2022Accepted: 23th December 2022Online: 24th December 2022**KEY WORDS**

Техника усули, техник маҳорат, баскетболда танлов (селекция), ёшларни саралаш, ёш баскетболчилар, иқтидор, қобилият, техник-тактик тайёргарлик.

Ўйин техникаси – бу, мусобақанинг аниқ вазифаларини муваффақиятлироқ ҳал қилишга имконият берадиган усуллар йифиндисидир. «Техника усули» термини остида, деярли бир хил ўйин топшириғини бажаришга йўналтирилган ва тузилиши бўйича ўхшаш бўлган ҳаракатлар тизими тушинилади. У ёки бу усул қўлланиладиган шарт - шароитларнинг хилма - хиллиги ҳар бир усулни бажариш услубларининг шаклланиши ва такомиллашишига қизиқишни кучайтиради.

Бу усул, аввало, асосий ҳаракатлантирувчи тузилманинг кинематик, динамик ва ритмик тузилманинг барқарорлиги билан тавсифланади. Шундай қилиб, ривожланишнинг ҳар бир давридаги спортчи техникаси - бу ўйинчига қоидалар доирасидан чиқмай, курашнинг оғир вазиятларида

**БАСКЕТБОЛНИНГ ТЕХНИК ЎЙИН УСУЛЛАРИНИНГ
ТАҲЛИЛИ ВА ТАСНИФИ****Ахмедов Рустамжон Турсуналиевич**

2 курс Магистр,

Андижан давлат педагогика институти

Андижон ш. Узбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7479148>**ABSTRACT**

Баскетболнинг техник ўйин усулларининг таҳлили ва таснифи. Баскетбол ўйинининг турли техник усуллар ёрдамида ва ҳужум техникаси, ҳимоя техникаси, қўлланиладиган техник усулларнинг гуруҳларидан ташкил топилган назарий ёндошувлари ёритилган.

муваффақиятли ҳаракат қилишга имкон берадиган енг самарали, амалда синалган воситадир. Бир лаҳзада вужудга келадиган ўйин ҳолатларида енг яхши натижаларга еришиш учун баскетболчи ҳар хил техник усуллар ва усулларнинг ҳаммасини егаллаши, енг тўғри келадиган усулни ёки усулларни танлай олиши, уларни тез ва аниқ бажариши керак. Юқори техник маҳорат белгилари:

1. берилган ўйин топшириқларини ва ҳимоянинг икки - уч енг яхши егаллаган усули билан қўшилишида мукаммал бажариш учун усул ва усулнинг енг мақбул ҳажмини еркин егаллаш;
2. кўрсатилган усулларнинг аниқ ва самарали бажарилиши;
3. ҳалақит берадиган омиллар маълум даражада толиқиши, руҳий, кескинлик, оғир ташқи шароит ва ҳоказолар



таъсирида усулларнинг бажарилиши барқарорлиги;

4. рақиб қарши ҳаракатининг аниқ шаклларига қараб техник усуллар (фазаларини) қисмларини бошқара олиш;

5. усулларнинг бажарилишининг ишончлилиги, бу кўп кунлик мусобақа давомидаги юқори аниқлик ва самарадорлик билан, у ўйиндан бу ўйингача салбий таъсири етувчи оғишларсиз аниқланади.

Баскетбол ўйини техникасини бир тартибда ўрганиш учун унинг таснифидан фойдаланилади.

Техника таснифи - бу маълум белгилар асосида унинг ҳамма услуб, усулларини бўлимлар ва гуруҳлар бўйича teng ҳукуқли тақсимлашидир. Шундай белгилар қаторига, енг аввало, спорт курашидаги усулнинг нимага мўлжалланганлиги белгиланиши (саватга ҳужум қилиш ёки ҳимоя қилиш учун), ҳаракат қандай бажарилиши (тўп билан ёки тўпсиз), шунингдек, унинг кинематик ва динамик тузилиши хусусиятлари киради.

Баскетбол ўйини икки бўлимдан ташкил топган турли техник усуллар ёрдамида ўтказилади. Бу - ҳужум техникаси ва ҳимоя техникаси. Ҳар бир бўлим ҳужум ва ҳимояда қўланиладиган техник усулларнинг гуруҳларидан ташкил топади. Усул гуруҳлари уларнинг ҳар хил йўллар билан бажарилишини ўз ичига олади. Оёқларни тўғри ишлата билиш ва чалғитиш усуллари иккала бўлимга ҳам қарашлидир. Усулларнинг айrim бажарилиш йўллари, ўз навбатида, бажарилиш тасифига кўра бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, усулни бир жойда туриб, ҳаракатда бўлганда

ёки сакраганда бажариш мумкин. Тавсия қилинаётган таснифомасида чалғитишларга мустақил жой ажратилмайди, чунки чалғитиш - бу аниқ усулнинг фақат бир қисмини (масалан, тўпни узатиб беришда қўл кўтариш), (саватга отиш пайтида мўлжаллаш), рақибда хато тушунчasi туғдириш мақсади билан ўйинчи томонидан бажарилиши ва ундан фойдаланиб, бошқа усулни самарали қўллаш учун қулай ҳолатга еришишдир. Ўйин техникаси тавсифининг асосий тузилиши қўйидаги кўринишда берилиши мумкин:

- техника бўлими – ҳужум техникаси;
- техника гуруҳи – тўпни егаллаш техникаси;
- усул – тўпни саватга отиш;
- бажариш усули – юқоридан бир қўллаб тўпни саватга отиш шакллари;
- гавдани орқага ташлаб (оғиштириб);
- бажариш шартлари – тўхтагандан кейин, сакраб ўртacha масофадан тўпни саватга отиш.

Баскетбол техникаси таснифи шундай чизма бўйича тузилган.

Ҳужумда қўлланиладиган техник усулларга-тўпни илиш ва узатиш, уни йерга уриб олиб юриш, саватга отишлар, чалғитишлар киради. Улар майдонда ҳаракат қилиш, тўхташлар ва бурилишлар каби усуллар билан биргаликда бажарилади. Ҳамма усулларни бажариш енг қулай ва мустаҳкам дастлабки ҳолат – туриш ҳолатидан бошланади. Туриш ҳолатини егаллаш учун баскетболчи оёқларини йелка кенглигига бир – бирига ёнма-ён қилиб, бир чизиқда ёки бир оёғини олдинга чиқарган ҳолда йерга қўйиши лозим. Бунда оёқлар букилган, гавда бироз олдинга егилган, унинг оғирлиги



оёқларга баробар тақсимланган, қўллар тўпни илиш ва ушлаб туриш учун қулай ҳолда кўкрак олдида букилган бўлиши керак. Тўп кенг ёйилган бармоқлар билан кафтларга тўлиқ теккизилмаган ҳолда тутиб турилади.

Баскетболчи юриш, сакраш, тўхташ ва бурилиш ёрдамида майдонда ҳаракат қиласи. Бу гурух усуллари оёқларнинг тўғри ишлашига асосланади. Баскетболчиларнинг майдонда қилаётган ҳаракати ҳар доим бажараётган ишига қараб ўзгариб туради.


Юрши ўйин давомида бошқа усулларга нисбатан кам қўлланилади. Бу усул, асосан, туриш ҳолатини ўзгартириш мақсадида ишлатилади. Баскетболчи майдонда тиззалари бироз букилган ҳолда ҳаракат қиласи.

Юрши майдонда ҳаракат қилишнинг асосий усули ҳисобланади. Бу усул оғирликни оёқнинг бутун кафтига

кўйиб ёки уни товондан оёқ учига ўтказиб, оёқларни одатдагидан бирмунча кўпроқ егиб, юмшоқ қадамлар билан бажарилади. Тезланишларни ва кескин югуришларни бажариш учун қисқа қадамлар билан оёқ учида югурилади.

Сакрашларни бир оёқ ёки икки оёқ билан депсиниб бажарадилар. Ўйин давомида сакрашлар, кўпинча, олдиндан тайёргарлик кўрилмасдан ва қайта-қайта бажарилади.

Тўхташлар қадамлаб ва сакраб бажарилади. Қадамлаб тўхташда баскетболчи югуриш маромини бузмасдан охирги қадами товондан, каттароқ қилиб қўяди; сўнг таянч оёғини кўпроқ буқади ва силкинч оёғини олдинга қўйиб, ҳаракатини тўхтатади ва гавдани таянч оёғининг устида тутиб туради.





Юриш	Югурих	Сакрашлар	Түхташлар	Бурилишлар	Илиб олиш	Ошириб бериш	Отиш	Олиб юриш	Туриш	Юриш	Югуриш	Сакрашлар	Түхталишлар	Бурилишлар	Уриб чиқаришлар	Уриб қайтарышлар	Түпнинг устидан тушиш	Тўпнинг юлиб олиш	Сапчиб қайтган тўпни илиб олиш
------	--------	-----------	-----------	------------	-----------	--------------	------	-----------	-------	------	--------	-----------	-------------	------------	-----------------	------------------	-----------------------	-------------------	--------------------------------

Бурилишларга олдинга ва орқага бурилишларга ажратилади. Улар орқада ёки олдинда жойлашган оёқда, бир жойда турган ҳолда ва ҳаракатда, тўп билан ва тўпсиз бажарилади.

Тўп билан бажариладиган усуллар қуйидаги техник ҳаракатни: тўпни илиб олиш, узатиш, олиб юриш ва тўпни саватга отишни ўз ичига олади.

Тўпни илиб олиш. Тўпни илиб олиш – бу усул ёрдамида ўйинчи ишонарли равища тўпни егаллаб олиш ва у билан кейинги хужум ҳаракатларига киришиши мумкин. Тўпни илиб олишни бир қанча усуллари мавжуд: ўртacha баландликда келаётган тўпни икки қўллаб илиш, юқоридан узатилган тўпни сакраб илиш, пастлашиб келаётган тўпни илиш, майдондан сапчиган тўпни илиш, думалаб келаётган тўпни ҳаракатда илиш, бир қўллаб тўпни илишлар.

Тўпни узатиш. Узатиш – бу учиш ёрдамида хужумни давом еттириш учун ўйинчи тўпни шеригига йўналтирадиган усулдир. Ўйин давомида узатишнинг ҳар хил усуллари қўлланилади: кўкракдан икки қўллаб тўп узатиш, юқоридан икки қўллаб узатиш, йелқадан бир қўллаб узатиш, юқоридан бир қўллаб «крюк» усули билан узатиш, пастдан бир қўллаб узатиш, орқадан бир қўллаб узатиш, пастдан орқага узатиш, қўлнинг

тагидан узатиш, бир қўллаб йелканинг устидан узатиш.

Тўпни илиб юриш. Тўпни бир қўл билан кетма-кет йерга уриш тўпни йерга уриб юриш дейилади. Тўпни олиб юриш - ўйинчига тўп билан майдон бўйлаб хоҳлаган тезлиқда ва исталган йўналишда ҳаракат қилишга имкон берувчи усулдир. Тўпни йерга ҳар ҳил: юқорироқ ва пастроқ сапчитиб туриб юриш мумкин. Бу усулда баскетболчи майдондан сапчитиб қайтаётган тўпни пастга туширилган ва кенг ёйилган бармоқлари билан тутиб олади. У қўлини букиб, тўпни бироз юқорига кузатади, сўнг уни яна майдонга маълум бурчак бўйича кескин итади. Бунда оёқлар букилган, гавда бироз енгашган, бош тўғри тутилган бўлиши керак.

Саватга тўп отишлар. Ўйиннинг якуний натижаси саватга отилган тўпларнинг аниқлигига боғлиқ. Тўп отишни бажаришга тайёланиш жамоа хужумидаги асосий мазмунни ташкил етади, ҳалқага тушириш еса унинг бош мақсадидир. Улар ҳар ҳил: яқин (3 метргача), ўрта (3 метрдан 7 метргача) ва узоқ (7 метрдан ортиқ) масофалардан бажарилади. Отишлар тавсифи бўйича ҳам ҳар ҳил бўлади: бир жойда туриб, ҳаракатда, сакраганда. Тўпларни саватга бир ва икки қўллаб отиш мумкин. Ҳозирги кунда тўплар саватга ҳимоячиларнинг қаттиқ



қаршилиги остида отилади. Шунинг учун тўпнинг саватга аниқ боришига оёқларнинг, қўлларнинг, айниқса, панжанинг тўғри ишлаши, аниқ мўлжалга олиш, шу шароитга мос самарали усулни танлаш, шу билан бирга, баскетболчининг мувозанат сақлашига ва ҳар хил шароитда қийин мувофиқлаштирилган ҳаракатларини бажариш имкониятларини яратиш учун маълум мушак гурӯҳларини бўшашибтириш қобилиятларига ега бўлиши катта аҳамиятга ега. Рақибнинг ҳаракатлари, тўс – тўполон, ҳисобдаги фарқ, чарчаш каби омиллар ҳам баскетболчиларнинг майдонда аниқ ҳаракат қилишларига салбий таъсир кўрсатади. Саватга тўп отишлар ҳар хил: бир жойда туриб йелкадан бир қўллаб тўп ташлаш; ҳаракатда бўлганда йелкадан бир қўллаб отиш; икки қадам қўйиб, йелкадан бир қўллаб тўп ташлаш; сакраганда бир қўллаб отиш; юқоридан бир қўллаб («крюк» усули

билан) отиш; пастдан бир қўллаб отиш; юқоридан пастга бир қўллаб отиш; юқоридан икки қўллаб отиш.

Ч а л ғ и т и ш л а р. Асосий мақсадни бажаришдан аввал уни беркитиб, ҳимоячининг диққатини чалғитиши учун хужумчи бажарадиган ҳаракатлар чағитишлир деб аталади. Кўпчилик техник усуллар ёки уларнинг қўшилмаси чалғитиши ҳаракати сифатида қўлланилиши мумкин. Чалғитишлир қўлланаётган усулларга мос суръатда бажарилиши керак. Бунда мувозанат сақланиб қолиниши шарт. Чалғитишдан кейинги ҳақиқий ҳаракатга ниҳоятда тез ўтиш лозим. Чалғитишилар фақат ҳимоячилар яқин жойда турганларида гина яхши самара беради. Улар тўпсиз ва тўп билан, бир жойда турганда ва ҳаракатда бўлганда бажарилиши мумкин.

References:

1. Қасимов А.Ш., Расулов О.Т, Исматуллайев Х.А. Баскетбол. Ўқув қўлланма. Тошкент, 1986.
2. Расулов О.Т. Баскетбол. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент 1998.
3. Расулов О.Т., Соколова Н.Д., Исматуллайев Х.А. Баскетбол. Ихтисос курси бўйича дастур. Тошкент, 1993.
4. Соколова Н.Д., Фанийева Ф.В., Исматуллайев Х.А. Баскетбол. Маърузалар тўплами. Тошкент, 2001.